O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati

НОКІМІ

Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти

ҲОКИМИ

# ҚАРОР

2000 yil "29" сентябрь № 236-Қ

**Ташкилот, муассаса ва корхоналарга иншоотлар қуриш учун ер майдонини ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5, 23 моддаларига асосан ташкилот, муассаса ва корхоналарга иншоотларни қуриш учун ер майдонини ажратиш тўғрисидаги туманлар ҳокимларининг қабул қилган қарорларини кўриб чиқиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ташкилот, муассаса ва корхоналарга иншоотларни қуриш ҳамда фойдаланиш учун ер майдонини ажратиш тўғрисида Тайлоқ тумани ҳокимининг "Фуқаро Халимов Асрорга маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси ва савдо дўкони қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида" ги 2000 йил 10 июлдаги 367/7-қ,"Фуқаро Худойбердиев Ўктамга автомобилларга суюлтирилган газ ёқилғиси қуйиш шахобчаси қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида" ги 2000 йил 18 апрелдаги 241/4-қ; Пахтачи тумани ҳокимининг "Туманда фаолият кўрсатаётган "Малика-К" фирмасига бозор қурилиши учун 2,5 гектар ер ажратиш ҳақида"ги 2000 йил 27 мартдаги 113-қ, Нарпай тумани ҳокимининг "Фидокор" кўп тармоқли хусусий фирмасига автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчаси қуриш учун 0,10 гектар ер ажратиш ҳақида"ги 2000 йил 14 январдаги 25-қ; рақамли қабул қилган қарорлари иловага асосан тасдиқлансин.

2. Вилоят ер ресурслари бошқармаси (Ш.Ахмедов)га хўжаликларнинг ер тўғрисидаги ҳисоботларига ўзгартиришлар киритиш топширилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Бердимуродовга юклатилсин

**Вилоят ҳокими: Э.Рузиев**

1105 - 2000